

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ИММУНИТЕТ ИНСТИТУТИНИ ТАРИХИ

¹Бегзод Хайдаров

Фарғона вилоят судининг судьяси

e-mail: j.fargona@sud.uz,

²Сайфуллаев Ўлмасжон Шавкат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568186>

Аннотация: Сўнгги йилларда суд-тергов амалиётида ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, қонун ва қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида коллизия ҳолатларнинг мавжудлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар амалдаги жиноят-процессуал кодекси нормаларини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Мақолада жиноят ҳуқуқида иммунитет ҳуқуқи тарихи чуқур таҳлил қилиниб, ушбу жараёни янада такомиллаштириш зарурияти асослантилган.

Калит сўзлар: иммунитет, дахлсизлик, имтиёз, устунлик, қонун, жавобгарлик.

Иммунитет – латинча “immunitas” сўзидан олиниб, бирор нарсадан халос, озод бўлиш, қутулиш маъносини билдиради.[1] Ҳуқуқий институт сифатида иммунитетнинг пайдо бўлиши Рим қонуни билан боғлиқ бўлиб, у биринчи навбатда солиқлардан ёки давлат божларидан озод қилиш, шахсга, тоифага ёки жамият бир қисмига Сенат ёки император томонидан берилган махсус ҳуқуқ сифатида мустаҳкамланиб, жиноятчининг ва жабрланувчининг ижтимоий ҳолатига қараб ҳуқуқий жавобгарлик тарзида тарихда биринчи марта иммунитет тушунчасини берди. Қадимги Рим қонуни умумий ва махсус қонунлар гуруҳига бўлиниб, умумий қонунларда умумэтироф этилган қоидалар белгиланган бўлса, махсус қонунларда ундан воз кечишга имкон берилган. Умумий қонунлардан четланиш жамоат фаровонлиги ва махсус табақали одамларнинг манфаатларидан келиб чиқиб белгиланган.[2]

Ғарбий Европа тилларида “дахлсизлик” атамаси XIII асрдан ишлатилган. Ғарбий Европада XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб “дахлсизлик” атамаси икки маънода талқин этилган: биринчиси “имтиёз”, “вазифалардан озод қилиш” маъносида, иккинчиси “парламент дахлсизлиги”, “дипломатия вакилининг дахлсизлиги” маъносида.[3]

С.И.Ожегов иммунитетни “кимгадир баъзи умумий қонунларга бўйсунмаслик учун берилган мутлақ ҳуқуқ”, устунликни - “афзаллик ҳуқуқи, имтиёз”, имтиёзни - “кимгадир умумий қоидалардан истисно тариқасида ёрдам бериш” деб таърифлаган.[4]

Деярли барча Европа мамлакатлари устунликлардан маълум даражада феодаллар ва амалдорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида фойдаланганлар ва ҳамма жойда, бирон-бир тарзда, устунликлар субъектнинг мақомини, унинг ҳокимият иерархиясида расмий ролини тавсифлаган. Ўрта аср шаҳарларида бу устунликларни берган махсус ҳужжатлар қироллар ва императорлар томонидан берилган ва тасдиқланган. Масалан, Шпайер шаҳри қонунида “1111 йил 14

августда Генрих V томонидан берилган имтиёз", "1182 йил 27 майда " Генрих V нинг имтиёзини Фредерик I тасдиқлайди" деб белгиланган.[5]

Машхур инглиз юристи Г.Брактоннинг "Англия қонунлари ва урф-одатлари тўғрисида" (XIII аср ўрталари) рисоласининг "Устунликлар тўғрисида, уларни ким бера олади ва улардан қайси бири қиролга тегишли" номли XXIV боби махсус имтиёзларга бағишланган.[6]

Америкалик олима Л.Мейзернинг таъкидлашича, имтиёзлар (exemption) мавжуд устунликларни (privilege) тўлдиради, уларнинг қонунийлиги мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкин. Муаллиф устунликлар ва имтиёзлар ўртасида аниқ фарқни келтирмайди, "устунлик" тушунчаси Америка қонунлари учун кўпроқ анъанавий эканлигини, "имтиёзлар" тушунчаси эса кейинчалик қўлланила бошланганини таъкидлайди. "Устунликлар", "иммунитетлар", "афзалликлар" ва "имтиёзлар" ўхшаш тушунчалар ҳисобланади.[7]

Англия-Саксон ҳуқуқ тизимининг вакиллари (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқалар) мамлакатларининг қонунчилигида "устунликлар" тушунчаси ҳар қандай имтиёзлар ва истисноларни белгилашда берилган. Шундай қилиб, Буюк Британиянинг конституциявий акти бўлган 1963 йилги "Пэрлар тўғрисида"ги қонунида Пэрларга доимий берилган махсус ҳуқуқларни "устуворликлар", "имтиёзлар", "устунликлар" ва "иммунитетлар" деб белгилайди.[8] Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, рим-герман ҳуқуқий оиласига тегишли давлатлар (Франция, Италия, Испания, Португалия, Франция, Австрия ва бошқалар) қонун чиқарувчиси "имтиёзлар" ва "устунликлар" тушунчалари ўртасидаги фарқларга аниқ ёндашмайди.[9]

"Устунликлар" ва "иммунитетлар" тушунчалари халқаро ҳуқуқ соҳасида кенг қўлланилади. Бу соҳадаги энг асосий халқаро ҳужжатлар ва шартномалар 1946 йилдаги БМТнинг "Имтиёзлар ва Иммунитетлар тўғрисидаги Конвенцияси", 1949 йилдаги Европа Кенгашининг "Имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисида Бош келишуви", 1966 йилдаги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро пакт, 1975 йилдаги "Умумий характеридаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Вена конвенцияси". Мазкур халқаро ҳужжатларда бу юридик воситани шахсий манфаатлар йўлида эмас, балки ваколатли шахснинг ўз хизмат вазифаларини амалга оширишига кўмаклашадиган институт бўлиши кераклиги таъкидланади.

Қирол Эдвард II даврида Англиядаги дахлсизлик ҳуқуқи иммунитетли лордларга тегишли бўлган. Д.А.Марчанукова фикрига кўра, "фуқаролик урушидан кейин ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш учун тарихга "Quo Warranto" номи билан кирган процедура пайдо бўлиб, бу қонуний йўллар билан қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Унинг ёрдами билан феодаллар қандай имтиёзларга эгалиги ва қирол мулкини қандай бошқарилиши белгиланиб, мансабдорларнинг суиистеъмолликларини фош этилиб, мулкларини эса қирол хазинасига қайтарилган.[10]

Бу ҳуқуқларининг қайтарилиши феодалнинг мулкка ва имтиёзларга бўлган даъволаридан воз кечиши ёки суд қарори билан содир бўлди.

Иммунитетли Лордларнинг кўп устунликлари маълум ваколатларни амалга оширишга рухсат бериб, чунончи қирол амалдорлари доирасига кириш ёки маълум миқдорда пуллик даромадлар олиш ҳуқуқини бериб, бу имтиёзларга эга бўлиш даражаси турлича эди.

Returnus brevium - энг кенг тарқалган ва тез-тез учрайдиган имтиёз бўлиб, феодал фойдасига жарималарнинг бир қисмини ажратиб турган, барибир иммунитетни кенгайтиришда муҳим қадам бўлган.[11] Бундай имтиёзнинг эгаси ўз ҳудудида қироллик ваколатларини амалга ошира олган.

Англия зодагонларида бошқа устунликлар ҳам бор эди, "бепул ов"; "хусусий паркни ажратиш"; "бепул ошхонага кириш ҳуқуқи"; "юз фоиз хусусий судлар" (юз фоиз юрисдикция ҳуқуқи); жиноят устидан ушланган ўғриларга тезкор жазо чораларини кўриш учун ўз қишлоғида дорга эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказо.

Устунлик доктринаси асосан қироллик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланган эди. Энг кенг тарқалгани Г.Брактоннинг доктринаси бўлиб, қирол томонидан қонуний тарзда иммунитет Лордига давлат ҳисобидан маълум шаклдаги иммунитет ҳуқуқини бериш ҳисоблаган. Масалан, Винчестердаги суд мажлисида ёки унинг сайёр мажлисида судьялар Иммунист лордлардан уларнинг даъволарига асосан нима учун устунликни талаб қилаётганликлари ёки устунликка эга аجدодлари вафот этганлигини исботлашини сўраши мумкин бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, "иммунитет" атамаси одатда Ғарбий Европа мамлакатларининг қонунларида қўлланилади, гарчи унга мос келадиган институт барча феодал давлатлар учун характерли бўлган.

Европада иммунитет институтининг янада ривожланиши черков вакилларига иммунитет ҳуқуқини бериш, яъни индульгенция институтини ривожлантириши билан боғлиқ. Элчининг иммунитетни руҳоний ва черков ҳомийлигида бўлган бошқа шахсларнинг иммунитетни билан таққосланди. Шунингдек, элчига ҳужум қилган ҳар қандай шахс шаккоклик қилганлик ҳисобланган.[12]

Диний асослар билан параллел равишда вужудга келган Европага оид иммунитетларда шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги иммунитетнинг ривожланиши ва шаклланиши тарихи, хусусан гувоҳнинг иммунитетни, авваламбор, дин, диний туйғулар ва урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Айнан гувоҳлик ибодат вақтида олинган маълумотлар билан боғлиқлиги дастлабки гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқининг пайдо бўлишига олиб келган.

Шундай қилиб, XVIII-асрнинг охиригача, ибодат сирлари шартсиз ҳисобланган. Номоканоннинг 1662 йилги ибодат китобида "ибодат сирини очишни тақиқланган, бунинг учун у қаттиқ жазоланди" деб ёзилган.[13]

Ўрта асрларда иммунитет тушунчасининг бошқа бир тури - жиноий таъқибга қарши иммунитет пайдо бўлади. Афтидан, келиб чиқиши асосини руҳий ва кейинчалик зодогонни ўзи томонидан содир этилган ҳар қандай ҳаракат учун жиноий жавобгарликдан озод қилувчи индульгенция институтининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Католик черковида индульгенция (лотинча *indulgentia* - раҳм-шафқат) гуноҳларни тўлиқ ёки қисман кечирилиши, шунингдек, бу ҳақида гувоҳлик берувчи

маъносини англатади¹⁸. Бу даврда Ватиканнинг юқори мавқеидан келиб чиққан ҳолда католик Европасининг жиной ишларида индульгенциянинг аҳамияти катта бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, XVI-XVIII асрларда иммунитет институти замонавий хусусиятларга эга бўлишни бошлади, хусусан, жиной ва фуқаролик ишлари бўйича суд юрисдикциясида иммунитет, гувоҳнинг дахлсизлиги, дипломатик ваколатхона турар жойларнинг дахлсизлиги ва бошқа тушунчалар пайдо бўлди.

Адабиётларда "иммунитет" атамаси турлича тушунилади, масалан, тиббий, дипломатик, давлат дахлсизлиги, ҳарбий кемаларнинг дахлсизлиги, парламент, солиқ, суд, омбудсман ва бошқалар.

Ҳуқуқий дунёда жиной процессуал иммунитет тушунчасига ягона ёндашув ҳали шаклланмаган. Шундай қилиб, В.Г.Даев иммунитетни "муайян қоидаларга бўйсунмасликнинг мутлақ ҳуқуқи" деб таърифлаган.[14]

Л.В.Наумов иммунитетни "айрим шахслар ҳуқуқбузарлигини жавобгарликка тортишда умумий қоидаларни қўлламаслик, шу жумладан жавобгарликдан озод қилиш" деб таърифлайди.

Иммунитет институти мазмуни ва маъносига янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, имтиёзлар турлари доираси ҳамда қўллаш шартларини аниқ белгилашни бугунги реал воқелик тақозо қилмоқда ва унинг амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши, жамиятимизда иммунитетга эга бўлган шахсларнинг ўзига юклатилган масъулиятли вазифаларини қонун доирасида тўла-тўқис бажаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беради.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. П. Е.-М. Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва бошқ.; ЎЗР. Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 202.
2. В.В.Эфимов, Рим ҳуқуқининг догмаси.. В.С. Балашова нашриёти, 1901. -Б 34-36.
3. Я.П.Черных. Ҳозирги рус тилининг тарихий ва этимологик луғати. - Т. 1 П.Я.Черных. - М.: Рус тили, 1993. - 78-бет.
4. С.И.Ожегов, Рус тилининг луғати. С.И.Ожегов. - М.: "Рус тили" нашриёти, 1984. 586-бет.
5. XII -XIII ўрта аср шаҳар қонунлари. Матнлар тўплами. редактор С.М.Стам. - Саратов, 1989. - Б. 28-38.
6. Д.А.Марчанукова, Эдвард I даврида Англиядаги феодалларнинг дахлсизлик ҳуқуқлари: Муаллиф реферати. Тарих фанлари канд. 07.00.02. - Ставропол, 2001. - Б. 8.
7. Л.Майзер. Либерализм. - Бостон, 1997. Б - 27.
8. Чет давлатлар Конституциясининг 36-моддаси. Л.А.Окункова муҳаррирлигида. М.: ИНФРА-М-НОРМА нашриёти, 1997. Б 82.
9. Шу ерда. - Б. 336, 402, 456, 326, 208, 360.
10. Д.А.Марчанукова, Эдвард I даврида Англиядаги феодалларнинг дахлсизлик ҳуқуқлари: Муаллиф реферати. Тарих фанлари канд. 07.00.02. - Ставропол, 2001. - Б. 6
11. Д.А.Марчанукова, кўрст иш Б. 11

12. Д.Б.Левин. Дипломатик иммунитет. Д.Б.Левин. - М.; Л.: Изд-во Академии наук СССР, 1949.-Б. 29.
13. А.В.Скопинский, Жиноят ишлари бўйича гувоҳлар. Амалиётчилар учун қўлланма. А.В.Скопинский. - М.: "Ҳуқуқшунослик", 1911. - Б. 29.
14. В.Г.Даев, Жиноий процессуал фаолиятдаги иммунитетлар В.Г.Даев Правосудие. - 1992. №3. 48-бет.